

# СЎЗ САЊАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

8 ЖИЛД, 2 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 8, НОМЕР 2

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 8, ISSUE 2



# СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА | INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

№2 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2025-2>

**Бош муҳаррир:**  
**Тўхтасинов Илҳом**  
п.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**

**Главный редактор:**  
**Тухтасинов Илхом**  
д.п.н., профессор (Узбекистан)

**Заместитель главного редактора:**

**Editor in Chief:**  
**Tuhtasinov Ilhom**  
DSc. Professor (Uzbekistan)

**Deputy Chief Editor**

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ

**Назаров Бахтиёр**  
академик. (Ўзбекистон)

**Якуб Умарўғли**  
ф.ф.д., профессор (Туркия)

**Алмаз Улви Биннатова**  
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

**Бокиева Гуландом**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Миннуллин Ким**  
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

**Махмудов Низомиддин**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Керимов Исмаил**  
ф.ф.д., профессор (Россия)

**Жўраев Маматкул**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Куренов Рахиммамед**  
к.ф.н. (Туркменистон)

**Кристофер Жеймс Форт**  
Мичиган университети (АҚШ)

**Умархўжаев Мухтор**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Мирзаев Ибодулло**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Болтабоев Ҳамидулла**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Дўстмухаммедов Хуршид**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Лиходзиевский А.С.**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Сиддиқова Ирода**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Шиукашвили Тамар**  
ф.ф.д. (Грузия)

**Туробов Бекпулат**  
масбул котиб, PhD, доцент  
(Ўзбекистон)

## РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

**Назаров Бахтиёр**  
академик. (Узбекистан)

**Якуб Умар оглы**  
д.ф.н., профессор (Туркия)

**Алмаз Улви Биннатова**  
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

**Бакиева Гуландом**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Миннуллин Ким**  
д.ф.н., профессор (Татарстан)

**Махмудов Низомиддин**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Керимов Исмаил**  
д.ф.н., профессор (Россия)

**Джураев Маматкул**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Куренов Рахыммамед**  
к.ф.н. (Туркменистан)

**Кристофер Жеймс Форт**  
Университет Мичигана (США)

**Умархаджаев Мухтар**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Мирзаев Ибодулло**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Балтабоев Ҳамидулла**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Дустмухаммедов Хуршид**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Лиходзиевский А.С.**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Сиддиқова Ирода**  
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Шиукашвили Тамар**  
д.ф.н. (Грузия)

**Туробов Бекпулат**  
отв. секретарь, PhD, доцент  
(Узбекистан)

## EDITORIAL BOARD

**Bakhtiyor Nazarov**  
academician. (Uzbekistan)

**Yakub Umarogli**  
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

**Almaz Ulvi Binnatova**  
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

**Bakieva Gulandom**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Minnulin Kim**  
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

**Mahmudov Nizomiddin**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Kerimov Ismail**  
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

**Juraev Mamatkul**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Kurenov Rakhimmamed**  
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

**Christopher James Fort**  
University of Michigan (USA)

**Umarkhodjaev Mukhtar**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Mirzaev Ibodulla**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Boltaboev Hamidulla**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Dustmuhammedov Khurshid**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Lixodzievsky A.S.**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Siddiqova Iroda**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Shiukashvili Tamar**  
Doc. of philol. scien. (Georgia)

**Turobov Bekpulat**  
PhD Ass. prof. Senior Secretary  
(Uzbekistan)

PageMaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

<b>1. Murodova Mo'tabar Ibodullayevna</b> TILAKLAR VA OLQISHLARNI NUTQIY AKTLAR SIFATIDA LINGVISTIK NUQTAI NAZARDAN TAHLILI...	5
<b>2. Yusupova Soxiba Islombek qizi</b> O'ZBEK BOLALAR O'YIN QO'SHIQLARIDA ATOQLI OTLARNING QO'LLANILISHI.....	9
<b>3. Lolayeva Gulniso Geldiyorovna</b> GAZETA MATNINING UMUMIY VAZIFALARI.....	13
<b>4. Sharopova Ra'no, Karimova Latofat</b> HOZIRGI O'ZBEK TILIDA "TARBIYA" LEKSIK-SEMANTIK MAYDONI TARKIBI VA TASNIFIQA OID QARASHLAR.....	18
<b>5. Намазова Манзура Ураковна</b> ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ И СОЦИАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ЖИЗНИ И ЧАСТИ ИММИГРАНТОВ В УЗБЕКСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ.....	24
<b>6. Sadriddinzoda Safiya Shaxobiddinovna</b> AMPHIBOLOGY IN ENGLISH RELIGIOUS LEXICOLOGY.....	32
<b>7. Esirgapov Mukhiddin Nizomiddinovich</b> THE INFLUENCE OF THE INTERNET AND DIGITAL TECHNOLOGIES ON THE ENGLISH LANGUAGE.....	37
<b>8. Karimova Dilorom Shavkatovna</b> VERBAL AND NON-VERBAL INTERPRETATION OF THE CONCEPTS OF "DEATH" AND "LIFE".....	43
<b>9. Narzullaeva Dilnoza Sanatovna</b> CONCEPTUAL METAPHOR THEORY: EXPLORING THE ROLE OF METAPHOR IN CONCEPTUALIZING ABSTRACT CONCEPTS.....	48
<b>10. Шахзод Турниязов</b> ЎЗБЕК ТИЛИГА ҚИЛИНАЁТГАН ЗАМОНАВИЙ БАДИИЙ ТАРЖИМАЛАРДА МУАЛЛИФ УСЛУБИНИ САҚЛАШ МАСАЛАСИГА ДОИР (О. ГЕНРИ ҲИКОЯЛАРИ МИСОЛИДА).....	52
<b>11. Matkarimova Gulira'no Abdullayevna</b> XALQ OG'ZAKI IJODI VA MIFOLOGIK MANBALARDA UCHRAYDIGAN FITONIMLARNING INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDAGI LEKSIK-SEMANTIK XUSUSIYATLARI.....	63
<b>12. Алена Ялмагиевна Иванова</b> ВЛИЯНИЕ КОНФУЦИАНСТВА НА ПРОЯВЛЕНИЕ ЭМОЦИЙ.....	68
<b>13. Yunusova Gulshoda Dilshadovna</b> EKVIVALENTLIK VA FE'L VALENSIYASI.....	80
<b>14. Eshboyev Qahramon Bakir o'g'li</b> O'ZBEK TILI SINONIMIK LUG'ATLARIDA DARAJALANISH METODOLOGIYASI.....	85
<b>15. To'liboyeva Gulnura Baxadir qizi</b> PEYZAJ BADIY VOSITA SIFATIDA (O'ZBEK VA QORAQALPOQ SHE'RIYATI MISOLIDA).....	91
<b>16. Холбобоева Нилуфар Бахтиёр кизи</b> НАВОИЙГА ТАХМИС.....	96
<b>17. Сайымбетов Шарафатдин Уракбаевич</b> И. ЮСУПОВНИНГ «ДАЛА АРМОНЛАРИ» ПОЭМАСИДА ИНДИВИДУАЛ МЕТАФОРЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ВА БАДИИЙ ВАЗИФАЛАРИ.....	102
<b>18. Комила Мамадиёрова</b> ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ИНТЕГРАЦИОН ТАБИАТИ ХУСУСИДА.....	106
<b>19. Xolova Muyassar Abdulhakimovna</b> O'ZBEK SHEVALARIDA FONETIK O'ZGARISHLAR (Surxondaryo viloyati misolida).....	111
<b>20. Malika Soliyeva</b> INGLIZ TILIDAGI INTONATSIYANING AYRIM FONOSTILISTIK XUSUSIYATLARI.....	118
<b>21. Комила Мамадиёрова</b> ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ ХУСУСИДА.....	122

<b>22. Xurinisа Xudoyberdiyeva</b> TROPLARNING USLUBIY XUSUSIYATI (Xosiyat Rustamova lirikasi misolida).....	128
<b>23. Israilova Sayera Tashpulat qizi</b> INTERFAOL USULLAR ORQALI INGLIZ TILIDA O‘QISH KO‘NIKMASINI RIVOJLANTIRISH (Tarix yo‘nalishi talabalari uchun).....	133
<b>24. Israilova Sayera Tashpulat qizi</b> INGLIZ XALQ ERTAKLARI ORQALI BOSHLANG‘ICH SINFLARIDA O‘QUVCHILARIDA O‘QISH KO‘NIKMASINI RIVOJLANTIRISH.....	137
<b>25. Комила Мамадиёрова</b> ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ИНТЕГРАЦИОН ТАБИАТИ ХУСУСИДА.....	143
<b>26. Робиға Мамбетова</b> ҚОЗОҒИСТОН ЎЗБЕКЛАРИ ФОЛЬКЛОР АСАРЛАРИНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	149
<b>27. Ҳамидулла Годжиев</b> ТУРКИСТОН ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ УМУММАЪРИФИЙ – УМУМАДАБИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ.....	154
<b>28. Ergashova Rano Turaevna</b> LINGUISTIC FEATURES OF AVIATION TERMINOLOGY IN ENGLISH, RUSSIAN, AND UZBEK LANGUAGES: SPECIFICITIES AND COMMONALITIES.....	160
<b>29. Bobir Махаммадов</b> MIKROSOFT VINDOVS OPERATSION TIZIMI TERMINLARINING LEKSIKOGRAFIK TAVSIFI MASALALARI: MUAMMOLAR VA VAZIFALAR.....	170
<b>30. Xalimova Firuza Rustamovna</b> POETIK MATNDA BADIY KONSEPTLAR VA METAFORALARNING KOGNITIV-ESTETIK TALQINI.....	176
<b>31. Комила Мамадиёрова</b> ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ИНТЕГРАЦИОН ТАБИАТИ ХУСУСИДА.....	182
<b>32. Матлуба Шукурова</b> ЭНАХОН СИДДИҚОВА ШЕЪРИЯТИДА “АЁЛ” КОНЦЕПТИНИНГ АКТУАЛЛАШУВИ.....	187
<b>33. Tashkulova Zarnigor</b> “SHARQ” KONSEPTI SEMANTIK MAYDONIDA PEYZAJNING IFODALANISHI (S. MOEM HIKOYALARI MISOLIDA).....	195



ISSN: 2181-9297


www.tadqiqot.uz

**Шахзод Турниязов**

СамДЧТИ Инглиз филологияси кафедраси ўқитувчиси

Email: shakhzod.turniyazov@gmail.com

## ЎЗБЕК ТИЛИГА ҚИЛИНАЁТГАН ЗАМОНАВИЙ БАДИИЙ ТАРЖИМАЛАРДА МУАЛЛИФ УСЛУБИНИ САҚЛАШ МАСАЛАСИГА ДОИР (О. ГЕНРИ ҲИКОЯЛАРИ МИСОЛИДА)

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.17087354>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада О. Генри ҳикоялари мисолида инглиз тилидан ўзбек тилига қилинаётган таржималарда муаллиф услубини сақлаб қолиш муаммоси хусусида сўз юритилади, бу борада йул қўйилаётган камчиликлар, уларни бартараф этиш йуллари таҳлил қилинади. Хусусан, асосий камчиликлар сифатида аслият тилини яхши билмаслик, таржима қилинаётган асарнинг маъно жилоларини тўлиқ тушунмаслик, ҳис қилмаслик, таржимонларга бадиий маҳорат этишмаслиги оқибатида асарни ўз она тилида қайта яратолмаслик муаммолари кўрсатиб ўтилади. Мақола марказида «асарнинг яхлит образи» тушунчаси турадики, айнан шу нуқтаи назардан қилинган таржима муфакқиятли чиқиши исботланади.

**Калит сўзлар:** бадиий таржима, муаллиф услуби, адекватлик, эквивалентлик, таржима стратегияси

## К ВОПРОСУ СОХРАНЕНИЯ АВТОРСКОГО СТИЛЯ В СОВРЕМЕННЫХ ХУДОЖЕСТВЕННЫХ ПЕРЕВОДАХ НА УЗБЕКСКИЙ ЯЗЫК (НА ПРИМЕРЕ РАССКАЗОВ О. ГЕНРИ)

### АННОТАЦИЯ

В статье на примере рассказов О. Генри обсуждается проблема сохранения авторского стиля в переводах с английского на узбекский язык, анализируются недостатки и пути их устранения. В частности, в качестве основных недостатков указываются плохое знание языка оригинала, неполное понимание и ощущение смысловых нюансов переводимого текста, неспособность переводчиков воссоздать произведение на родном языке из-за отсутствия художественного мастерства. В центре статьи стоит понятие «целостного образа произведения», доказывается, что перевод, сделанный именно с этой позиции будет успешным.

**Ключевые слова:** художественный перевод, авторский стиль, адекватность, эквивалентность, стратегия перевода

## ON THE ISSUE OF PRESERVING THE AUTHOR'S STYLE IN MODERN LITERARY TRANSLATIONS INTO UZBEK (BASED ON O. HENRY'S STORIES)

## ABSTRACT

The article discusses the problem of preserving the author's style in translations from English into Uzbek using O. Henry's stories as an example, analyzes shortcomings and ways to eliminate them. In particular, the main shortcomings include poor knowledge of the original language, incomplete understanding of the semantic nuances of the translated text, and the inability of translators to recreate the work in their native language due to the lack of literary skills.

**Keywords:** literary translation, author's style, adequacy, equivalence, translation strategy

Маълумки, ҳар қандай бадиий асар, агар у ҳақиқатан ҳам бадиий асар ҳисобланса, икки турдаги ахборотни ўзида мужассамлаштиради ва шу икки турдаги ахборотни ўқувчиларга етказди. Улардан бири фактуал ахборот бўлиб, у бевосита инсон онгига йуналтирилган ахборот ҳисобланади. Иккинчиси коннотатив-эмоционал ахборот сифатида инсон юрагига, ҳиссиётига, эстетик шуурига таъсир этади.

Биринчи турдаги ахборот асарнинг фабуласига тегишли бўлиб, биз маълум асарда нималар бўлганини, яъни қандай воқеалар содир бўлганини англаймиз. Иккинчи турдаги ахборотдан эса воқеалар ривожини қандай тасвирлаб берилганини ҳис этамиз.

Шуни таъкидлаш керакки, бу икки турдаги ахборот бир хил тушунчани тақозо этмайди, шу боис уларни ўзаро алмаштириб бўлмайди. Мазкур маълумотлар алоҳида системаларни ташкил этадилар ва бир-бирларини тўлдириб келадилар. Шунинг натижаси ўларок, тўлақонли бадиий асар юзага келади.

Айтиш жоизки, воқеалар тавсифини қуршаб олган иккинчи турдаги ахборотнинг ўзини ҳам иккига бўлиб ўрганамиз: а) бу ўта мураккаб характердаги масала бўлиб, у асардаги образлар дунёси, ундаги интертекстуаллик (ўзга асарларга шаъма, яширин иқтибослар ва ҳоказо) ни ўзида мужассамлайди ва биз ҳозир бу ўринда унга тўхталиб ўтирмаймиз; б) муаллифнинг услуби, асарнинг ритми, пульси, эмоционал дунёси, шу асар орқали инсонда уйғонаётган кайфият. Бошқача айтганда, булар асарнинг қайси нутқий жанр ва қайси функционал услубга оидлиги билан боғлиқ муаммоларни ташкил этади.

Ушбу мақолада айнан муаллиф услуби билан боғлиқ ҳодисалар, сўнгги йилларда қилинаётган таржималарда мазкур тушунчаларнинг қай тарзда берилаётгани хусусида баҳоли қудрат сўз юритамиз.

Албатта, муаллиф услуби мураккаб тушунчадир. Ҳар бир йирик ижодкор ўз услубига эга. Услуб муаллифнинг дунёқараши, ижодга бўлган муносабати, билим савияси, бадиий маҳорати, мақсади, ҳаётининг позициясидан келиб чиқади. Шундай экан, услуб асардаги воқеаларнинг қай даражада тез ёки суст ривожланиши, эмоционал импульси, ўқувчида уйғонаётган кайфиятни белгилайди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатимизда чет тилларини ўрганишга бўлган қизиқиш ортди. Янги ўқув юртлари очилди. Уларни ҳар йили юзлаб илми толиблар битириб чиқмоқда. Натижада хорижий тилларни ўрганган мутахассислар сони ортмоқда. Илгари мамлакатимизда жаҳон адабиёти дурдоналари рус тили орқали ўтирилган бўлса, эндиликда бевосита аслиятдан таржима қилинмоқда. Бу, албатта, таҳсинга сазовор. Бироқ масаланинг ўзга томони ҳам борки, у кўз юмиб бўлмайдиган муаммоли вазиятни келтириб чиқармоқда.

Маълумки, илгари рус тили орқали таржималарни Мақсуд Шайхзода, Фафур Ғулом, Миртемир, Ойбек, Абдулла Каҳҳор, Ҳамид Олимжон, Чўлпон, Зулфия сингари сўз дарғалари амалга оширишган. Улар асарни чуқур ҳис этишган, шу боис ҳам она тилларига юксак маҳорат билан ўгиришган. Бугунги кунда эса таржималарни чет тилларига ихтисослашган олий ўқув юртлари таржимонлик йўналишининг битирувчилари амалга оширишмоқда. Бироқ улар қилган таржималарни ўқир эканмиз, бу таржималар етарлича маҳорат билан амалга оширилганми, ёш таржимонлар ҳам устозлар каби чуқур билим савиясига эгами, яхши таржима қилиш учун фақатгина тилни билиш кифоями, деган саволлар туғилади кишида. Ҳатто қатор таржималарда тилни билишнинг ўзи ҳам етарли даражада эмаслиги кўриниб қолмоқда. Бундай саволларнинг туғилиши табиий. Ахир таржима бадиий санъатдир. У

ижодкордан маҳорат, билим, савия ва меҳрни талаб қилади. Бадиий асарни таржима қилаётган киши юқори малакага, маҳоратга эга бўлиши лозим, унинг ўзи ҳам ёзувчи ёки шоир бўлиши керак. Мазкур ҳолатда фақат тилни билиш билан чегараланиб бўлмайди. Хўш, ҳақиқий таржима қандай қилиниши керак? Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, бундай таржима луғат орқали амалга оширилмайди. Моҳир таржимон асар ўқувчида уйғотган кайфиятни, маънавий таъсирни, хуллас, асарнинг яхлит образини таржима қилиб бериши керак. Мазкур таржима эса, таъкидланганидек, ҳеч қандай луғатсиз амалга оширилади. Ҳа, бу ўринда янглишганимиз йўқ. Негаки, янги асар яратаётганимизда биз луғатларга эҳтиёж сезмаймиз. Зеро, бундай асарни таржимон ўз тилида ёзувчи ёки шоир сифатида қайтадан ёзади. Аммо кейинчалик, таржимани таҳрир қилиш жараёнида, қайсидир сўз синонимини топиш ёхуд қандайдир бир саволга ойдинлик киритиш мақсадида, таржимон луғатларга, қомусларга мурожаат қилиши мумкин. Бошқача айтганда, таржимон асарни яхлит глобал белги сифатида кўра олиши, ҳис этиши даркор.

Аммо сўнги йиллардаги таржима асарларни ўқир эканмиз, таржимонларимизнинг сўзлар, иборалар ва гапларнинг таржимаси билан ўралашиб қолаётганлари, асарнинг руҳиятини, муаллиф услубини ҳис этмаётганларининг гувоҳи бўламиз. Шунинг учун бўлса керак, таржималар “тирик организм” эмас, балки “жонсиз тушунча” бўлиб қолаётганини кўрамоқдамиз. Ўқисангиз ҳамма нарса жойида: сўзлар, иборалар, жумлалар, аммо таржима “жонсиз”, гўё буни инсон эмас, балки машина таржима қилгандай.

Ушбу фикримиз билан мазкур таржималарни ерга урмоқчи эмасмиз, албатта. Аммо мавжуд камчиликларнинг сабабини аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда келажакда қандай йўл тутиш лозимлигини белгилаб олиш муҳимдир.

Гап нима хусусида кетаётганини яхшироқ тушунтириш учун бир мисол келтириб ўтамиз. Масалан, Э. Сетон-Томпсоннинг «Бинго» асарини олайлик. Ҳикояни рус тилидан Тоғай Мурод ўгирган. Таржима жуда яхши чиққан, чунки Тоғай Мурод ёзувчи, қолаверса, Сетон-Томпсон унинг севимли иждоқорларидан бири бўлган. Лекин шудай бўлишига қарамай, таржимада муаллиф услубининг сақланиб қолмаганлиги ҳолати кузатилади. Асарда Бинго лақабли итчининг мушук билан бўлган муносабатларини тасвирлар экан, Сетон-Томпсон юмор ишлатади:

The rest of that winter Bingo spent in our shanty, living the life of a blubbery, fat, well-meaning, ill-doing puppy; gorging himself with food and growing bigger and clumsier each day. Even sad experience failed to teach him that he must keep his nose out of the rat trap. His most friendly overtures to the cat were wholly misunderstood and resulted only in an **armed neutrality** that varied by occasional reigns of **terror...**([https://www.gutenberg.org/files/3031/3031-h/3031-h.htm#link2H\\_4\\_0004](https://www.gutenberg.org/files/3031/3031-h/3031-h.htm#link2H_4_0004)).

Юқорида берилган матнда ёзувчининг юмор ишлатганининг гувоҳи бўламиз, бироқ ўзбекча таржимада буни сезмаймиз:

Шундай қилиб, Бинго кишининг охирини бизнинг кулбамизда ўтказди. У такасалтанг, хомсемиз бўлиб, аҳмоқона ҳаёт кечпреди. Ҳаминқадар семириб, кун сайин бесўнақай бўлиб қолди. У ҳатто мушукдан узокроқ юриш кераклигини ҳам ўйлаб кўрмади. Унинг мушук билан дўст тутишишга уриниши, турган гап, мушукка ёкмади, оқибат, уларни бир неча бор таёқ билан ажратиб қўйишга тўғри келди (**Ғаройиб олам. - Тошкент: Юлдузча, 1988. – 304 б.**).

Худди шу асарнинг Н.Чуковский томонидан амалга оширилган русча таржимасида юмор сақланиб қолган:

Конец этой зимы Бинго провел в нашей хижине, живя жизнью ленивого, толстого, добродушного и невоспитанного щенка. Он обжирался до отвала и с каждым днем становился все больше и неуклюжее. Даже печальный опыт не научил его, что он должен держать нос подальше от кошки. Его самые дружественные попытки сблизиться с кошкой были совершенно не поняты ею, и результатом явился **вооруженный нейтралитет**, который изредка прерывался **войной** (Э. Сетон-Томпсон. **Рассказы о животных. - Москва: Детская литература, 1966. – 448 с.**).

Умуман олганда Тоғай Мурод асарни тўғри таржима қилган, албатта. Чунки таржимон бадий асарни ўқувчига яхлит белги сифатида етказиб бериши лозим. Шу туфайли у нималарнидир ташлаб кетиши, нималарнидир қўшишга ҳақли. Бу ўринда биз фақат муаллиф услуби ва юморга бир мисол келтирмоқчи бўлдик, холос. Асардаги юмор орқали ёзувчи Бингога нисбатан ўзининг муносабатини билдирмоқда. Шундай экан, таржимада қандай йўл тутиш керак эди? Бундай ҳолларда, назаримизда, икки хил йўлдан бориш мумкин. Ё шу ернинг ўзида қандайдир юмор ишлатиш, ё кейинроқ бошқа ерда шунга тенг келадиган юмор қўллаш лозим. Бизнингча, таржимани қуйидагича қилиш тўғрироқ бўлар эди (фақат назарий фикрлар билан чекланиб қолмаслик учун кейинги ўринларда ўз таржима вариантларимизни ҳам бериб борамиз):

Шу кишининг охирини Бинго бизнинг кулбада ўтказди. У такасалтанг, хуппа-семиз, тарбия кўрмаган, бироқ оқкўнгил кучукча эди. У бўғзига келганча овқат ер, кун сайин бесонақай бўлиб борарди. Унинг мушук билан дўстлашишга интилишлари ҳеч бир натижа бермади, неча марталаб тумшугини тимдалаб олган булса-да, бу аччиқ ҳаётини тажриба уни ҳеч нарсага ўргатмади, у барибир мушукка яқинлашаварди. Охир-оқибат бу иш **бетарафлик сиёсати ва биринчи бўлиб уруш очмаслик тўғрисидаги битим** билан яқунланди. Лекин аҳён-аҳён барибир икки томон ҳам бу сулҳни бузиб турарди (инглиз тилидан Ш. Турниязов ва Ф. Нигматов таржимаси).

Энди замонавий таржималарда бевосита муаллиф услуби билан боғлиқ масалалар таҳлилига ўтайлик. О. Генри АҚШ адабиётида алоҳида ўринга, ўзига хос услубга эга ёзувчи. Уни ўқиган ҳар бир киши буни пайқайди. У ҳаётнинг аччиқ лаҳзаларини, маънос ҳолатларни, фожиани юморга ўраб беради. У ғамгин ҳодисаларни табассум билан бера олади. Ёзувчи АҚШ адабиётида кенг тарқалган short story (қиска ҳикоя) жанрида ижод қилади. Айни пайтда мана шу жанрда яратилган асарлардаги шаблонлар, сийқаси чиққан сюжетлар устидан кулиб, ҳикояларини уларга пародия сифатида тақдим этади. О. Генрининг инглиз классик адабиётига мурожаат қилиши ва бу асарлардаги ибораларни ўз ҳикояларида юмор вазиятида ишлатишини тадқиқотчилар айтиб ўтишган [1]. Бундан ташқари, унинг асарлари чуқур гуманизм ғоялари билан суғорилган бўлиб, тадқиқотчилар фикрича, О. Генри ижоди романтизмдан, “бинафша реализмдан” танқидий реализмга ўтиш даврида вужудга келган ўзига хос йўналишга мансубдир [2].

О. Генри ҳикояларини ўқиган таржимон асар руҳиятини ҳис этиши лозим. Таржимага ёндашишда муаллифнинг ўзига хос услубини қандай воститалар орқали тақдим этиши мумкинлиги хусусида ўйлаб кўриши керак бўлади. Ана шундан сўнггина таржима стратегиясини танлашига тўғри келади. Буни четлаб ўтиш О. Генрини таржима қилмаганлик билан баробардир. Зеро, юкорида таъкидланганидек, фактуал ва эмоционал ахборотлар бошқа-бошқа тушунчалардир. Келинг, оддий мисолга мурожаат қилайлик. Ўзаро сенсираб гаплашадиган, ёшлари тенг уч ўртоқ, айтайлик, бир жойга бормоқчи бўлиб, учрашиш жойини белгилашди-ю, аммо улардан бири белгиланган вақтда ўша жойга келмади. Шунда келишилган жойга келганлардан бири иккинчисидан: “У келдими?” – деб сўради. Саволга берилган жавоблар вариантлари қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Йўқ.
2. Келмади.
3. Келмайман деди.
4. У келмайди.
5. Келмасмиш.
6. У киши келмас эканлар.

Хуллас, жавобларни шу тарзда давом эттириш мумкин. Уларнинг ҳар бири фактуал, яъни битта мазмунни бераётган бўлса-да (кимнингдир келмаслиги ҳақидаги маълумотни), эмоционал жиҳатдан бир-биридан фарқ қилмоқда. Айниқса, охирги иккита жавобда келмаган кишига нисбатан салбий муносабат сезилиб турибди. Шундай экан, эмоционал бўёққа эга бўлган жумлаларни, ибораларни нейтрал тарзда таржима қилиш мумкинми? Йўқ, албатта.

Таржимада “у киши келмас эканлар” деган жавобни “у келмас экан” деб бериш маънони ўзгаришига олиб келади.

Таржиманинг адекват чиқмаслигининг сабабларини қуйидаги омиллар орқали изоҳлашимиз мумкин: а) аслият тилини яхши тушунмаслик (бу маъно бузилишларига олиб келади); б) аслият матнидаги фактуал маънони англаш, бироқ муаллиф услубини ҳис этмаслик; в) аслият тили таъсирига тушиб қолиш, яъни ўз она тилида яхши ёза олмаслик (таржима матнига сунъий тус олади). Буларнинг ҳаммаси каттароқ муаммони, **таржимада адекватликка эришмасликни**, келтириб чиқаради. Биз бу омилларни бўлиб кўрсатган бўлсак-да, аслида улар чамбарчас боғлиқдир.

Қуйидаги мисолга мурожаат этайлик: He told me that he didn't like this painting and that he would be happy to sell it at the first opportunity. Мазкур гапни У менга айтдики, бу сурат унга ёқмас эмиш ва биринчи қулай (вазиятдаёқ) шароитдаёқ уни сотар эмиш деб таржима қилайлик. Аслият ва таржима ўртасида эквивалентлик борми? Албатта. Гаплар тўлиғича бир-бирга мос, маъно ҳам таржимада тўлиқ берилган. Лекин адекватлик нуқтаи назаридан бу гаплар бир-бирга мос эмас [3]. Чунки гапнинг бу тарзда тузилиши ўзбек тили қонуниятларига тўғри келмайди. Вергулдан сўнг “ки” боғловчисини қўйиб гапни давом эттириш ҳинд-европа тилларига хос (шу жумладан, рус ва тожик тилларига ҳам: Он мне сказал, что эта картина ему не нравится, и что он при первом же удобном случае с радостью продаст ее; Ў ба ман гуфт, ки ин расм ба ў маъқул нест ва дар фурсати аввал бо хушнудӣ онро мефурӯшад). Ўзбек тили эса туркий (агглютинатив) тиллар гуруҳига киради ва у мутлақо бошқача грамматик конструкцияларига эга. Агар биз юқоридаги гапни Бу сурат унга ёқмас эмиш, харидор топса, иккиланмай сотиб юборар эмиш. Менга ўзи шундай деди тарзида таржима қилсак, назаримизда, тўғрироқ бўлар эди. Кўринадики, бу ўринда at the first opportunity бирикмасини биринчи қулай фурсатдаёқ деб таржима қилиш мутлақо нотўғри. Бу бирикма таржимада харидор топилса сўзларига адекват бўлмоқда.

Бошқа бир мисол: If I were you, I would still go there, although I understand your reluctance to see him. Ушбу гапни Сенинг ўрнингда бўлсам, мен у ерга ҳар ҳолда борган бўлардим, гарчанд сенинг уни кўрмаслик хоҳишингни тушунсамда тарзида таржима қилсак тўғри бўладими? Йўқ. Чунки бу гап тузилиши ўзбекча эмас. Назаримизда, таржимани қуйидагича қилиш тўғрироқ бўлар эди: Тўғри, уни яхши кўрмаслигингни биламан, лекин сенинг ўрнингда мен у ерга барибир борган бўлардим. Энди реал таржималарга мурожаат қилайлик.

О. Генри сингари ёзувчи асарини таржима қилаётган кишининг унинг услубини ҳис этиши лозимлиги ҳақида юқорида айтиб ўтдик. Масалан, “The Gift of the Magi” ҳикоясининг бошиданок юмор сезилиб туради. Ҳикоя бирданига кишида маълум бир кайфият, ҳис-туйғу уйғотади, яъни ёзувчи ўз қахрамонларини севиши, уларга хайрхоҳлиги, уларнинг ҳасратларига шериклиги, аммо мана шу ҳасратли вазиятларни маънос табассум билан бериши англашилиб туради. Афсуски, ҳикояни ўзбек тилига ўгирган таржимон бу нарсаларга мутлақо эътибор бермаган.

Қуйидаги гапни олайлик:

Pennies saved one and two at a time by bulldozing the grocer and the vegetable man and the butcher until one's cheeks burned with the silent imputation of parsimony that such close dealing implied. (**О. Генри, 100 Selected Stories, chosen by Sapper, Worldsworth Editions Limited 1995. Кейинги ўринларда шу манбадан фойдаланилади**).

Русча таржимага мурожаат этамиз ва унинг тўғри қилинганлигига гувоҳ бўламиз:

За каждую из этих монеток пришлось торговаться с бакалейщиком, зеленщиком, мясником так, что даже уши горели от безмолвного неодобрения, которое вызывала подобная бережливость. (**О. Генри. Собрание сочинений в 5 т. Т. 1. - М.: Литература, Престиж книга; РИПОЛ классик, 2006. – 544 с., Е. Калашникова таржимаси. Кейинги ўринларда шу манбадан фойдаланилади**).

Қуйидаги таржимани ўзбекча дейиш мумкинми:

Ана шу чақаларнинг ҳар бири учун баққол, резаворфуруш, қассоб билан шу қадар савдолашишга тўғри келдики, бу тариха зикналик туфайли туғилган сўзсиз норозилиқдан

кулоқларигача кизариб кетарди. (Афсунгарлар тухфаси. -Тошкент: Ёш гвардия, 1989. – 272 б. Кейинги ўринларда шу манбадан фойдаланилади).

Юкоридаги мисолдан кўришиб турибдики, ўзбек тилидаги таржимада гап тузилиши тўлиғича аслият тили таъсирига тушиб қолган. Бу эса таржимоннинг ўз ишига автоматик, механик тарзда ёндашганини кўрсатади. Бироқ таржима санъати энг аввало аслият тилини чуқур ҳис этишни, иккинчидан, ўз она тилини севишни ва уни мукамал билишни, ва ниҳоят, янги бир асар яратишда ёзувчидан қолишмасликни талаб этади.

Ёки мана бу таржималар тилини ўзбекча дейиш мумкинми? Солиштирамиз:

There was clearly nothing to do but flop down on the shabby little couch and howl. So Della did it. Which instigates the moral reflection that life is made up of sobs, sniffles, and smiles, with sniffles predominating.

Бу важига келганда ўзини эски чорпоёга таппа ташлаб, ўкраб йиғлашдан бошқа чораси йўқ эди. Делла худди ана шундай қилди. Бундан шундай фалсафий хулоса келиб чиқадики, ҳаёт йиғи-сиғи, оҳ-воҳ ва табассумлардан иборат, аммо оҳ-воҳ кўпроқ.

Энди эса рус тилидаги таржимани ўқиймиз:

Единственное, что тут можно было сделать, это **хлопнуться** на старенькую кушетку и зареветь. Именно так Делла и поступила. Откуда напрашивается философский вывод, что жизнь состоит из слез, вздохов, и улыбок, причем вздохи преобладают.

Мана бу парчани ўқиймиз:

While the mistress of the home is gradually subsiding from the first stage to the second, take a look at the home. A furnished flat at \$8 per week. It did not exactly beggar description, but it certainly had that word on the lookout for the mendicancy squad.

In the vestibule below was a letter-box into which no letter would go, and an electric button from which no mortal finger could coax a ring. Also appertaining thereunto was a card bearing the name “Mr. James Dillingham Young.”

The “Dillingham” had been flung to the breeze during a former period of prosperity when its possessor was being paid \$30 per week. Now, when the income was shrunk to \$20, though, they were thinking seriously of contracting to a modest and unassuming D. But whenever Mr. James Dillingham Young came home and reached his flat above he was called “Jim” and greatly hugged by Mrs. James Dillingham Young, already introduced to you as Della. Which is all very good.

Инглиз тилидаги аслиятда кўришиб турибдики, ёзувчи бу ерда сўз ўйинларидан ва турли функционал услублардан фойдаланмоқда. Масалан, **It did not exactly beggar description** жумласини олайлик. Бу жумлада, албатта, **beggar** сўзи ўзининг асл маъносида ишлатилмаяпти. **beggar description** жумласи идиома бўлиб, бу ўринда уни тўлиғича: “тасвирлаб бўлмайдиган” деб таржима қилишимиз мумкин. Лекин вергулдан сўнг ёзувчи яна шу **beggar** сўзига шаъма қилиб (**that word**), қахрамонларининг хонасида бу сўз очик-ойдин кўришиб турганини айтадики, биз беихтиёр **beggar** сўзи аслида “қашшоқ” маъносига эга эканлигини яна эслаймиз.

Ёки кейинги ўринда келаётган **mortal finger** сўз бирикмасини олайлик. Агар **mortal** сўзини тўғридан тўғри таржима қилсак (яъни, калька) “ўладиган”, яъни “бу дунёдан ўтиб кетувчи” деган маънони беради. Ёзувчи “Бу қўнғирок тугмасидан бирор бир осий банданинг бармоғи товуш чиқара олмаган”, - деб айтмоқда. Кўришиб турибдики, ёзувчи сўзлар билан моҳирона ўйнаб, ҳикоясига юмор оҳангини бераяпти.

Бундай услуб ўйинини, албатта, сўзма-сўз таржима қилиб бўлмайди. Лекин таржимон уларнинг ўрнига бошқача, ўзбекона вариантларни топиши лозим эди. Лекин мана ўша парчанинг ўзбекча таржимаси. Унда муаллиф юмори сезилмаган:

Уй бекаси ана шу пояларнинг барчасидан ўтиб бўлгунча, уйнинг ўзини кўздан кечирайлик. Ҳафтасига саккиз доллар ижара ҳақи тўлаб туриладиган жиҳозли квартира. **Вазиятдан ўтакетган қашшоқлик эмас, тўғрироғи, айтмаса ҳам аён-ошкор кўришиб турган камбағаллик кўзга ташланади.** Пастда кираверишдаги эшикка осиглиқ хат ташланадиган қутининг тирқишидан биронта ҳам хат сиғмайди, электр қўнғирокнинг тугмасини битта-яримта одам босгудек бўлса, тик этган товуш эшитилмасди. Ана

шуларга: “М-р Жеймс Диллингхем Юнг» деган ёзуви бор бир қоғоз ҳавола қилинган эди. Мазкур номнинг эгаси ҳафтасига ўттиз доллар олиб турадиган яқин вақтлардаги бадавлатлик кезларида “Диллингхем” кулочини ёзиб юборган эди. Эндиликка келиб, ана шу даромад йигирма долларга тушиб қолгач, “Диллингхем” сўзидаги ҳарфлар, тўпорию камтаргина “Д” ҳарфига қисқарсак бўлмасмикан, деб астойдил андиша қилгандек хира тортган эди. Аммо мистер Жеймс Диллингхем Юнг уйга қайтиб юқори қаватга чиқиб бораркан, биз ҳали сизга Делла номи билан таништирган миссис Жеймс Диллингхем Юнг уни албатта “Жим!”, дея хитоб қилганча меҳр билан кучоқ очиб кутиб оларди. Бу эса, дарҳақиқат, дилни хушлайди.

Кўринадики, бу ўринда О. Генри услубига хос сўз уйинлари ҳам, юмор ҳам йўқотилган. Аммо рус таржимони Е. Калашникова маҳоратига тан бермасдан иложимиз йўқ (бу парчада юмор билан суғорилган сўзлар, сўз бирикмаларини, турли хил услублар тўқнашишини бўрттириб кўрсатаймиз).

Пока хозяйка дома проходит все эти стадии, оглядим самый дом. Меблированная квартира за восемь долларов в неделю. В обстановке не то чтобы **вопиющая нищета**, но скорее **красноречиво молчащая бедность**. Внизу, на парадной двери, ящик для писем, в щель которого не протиснулось бы ни одно письмо, и кнопка электрического звонка, из которой **ни одному смертному** не удалось бы **выдавить** ни звука. **К сему присовокуплялась** карточка с надписью «М-р Джеймс Диллингем Юнг». «Диллингем» развернулось во всю длину в недавний период благосостояния, когда **обладатель указанного имени** получал тридцать долларов в неделю. Теперь, после того как этот доход понизился до двадцати долларов, буквы в слове «Диллингем» потускнели, словно не на шутку задумавшись: а не сократиться ли им в скромное и непритязательное «Д»? Но когда мистер Джеймс Диллингем Юнг приходил домой и поднимался к себе на верхний этаж, его неизменно встречал возглас: «Джим!» и нежные объятия миссис Джеймс Диллингем Юнг, уже **представленной вам** под именем Деллы. А это, право же, очень мило.

Бизнингча, мазкур парчани ўзбекчага қуйидагича таржима қилиш яхшироқ бўлар эди:

Бир доллару саксон етти цент. Нозик Делланинг бор пули шу эди. Уларнинг ҳам кўпи майда чақалар. Мана шу пулни жамғараман деб қаҳрамонимиз бозорда неча марталаб баққолу мевафурушлар, савдогару қассоблар билан тортишган, ўз “ҳасис” лигидан уялиб, уларнинг ўқрайишларига чидашга мажбур бўлган эди. Энди эса қайта-қайта сана-санама, пул етмай турибди. Эртага Милод байрами. Бундай вазиятда чорасиз қолган ёш хоним нима қилиши лозим? Фақат ўзини эски диванчага ташлаб, хўнграб йиғлаши керак, холос. **Бизнинг Делла** ҳам худди шундай йўл тутди. Бундан эса, **мухтарам ўқувчим**, шундай фалсафий хулоса келиб чиқадики, ҳаёт кўз ёшлари, хўрсинишлар ва табассумлардан иборат нарса. Фақат хўрсинишларнинг ҳиссаси бунда кўпроқ.

**Қаҳрамонимиз** мана шу биз санаб ўтган ҳаёт босқичларининг биринчисидан иккинчисига ўтгунича уни ўз холига қўййлигу, хонага разм солайлик. Ҳафтасига саккиз доллар тўланадиган мўъжазгина хона. Мебелу лаш-лушларга қараб, бу ерда **чексиз** кашшоклик бўлмаса-да, ҳар ҳолда имкониятлари **чекланган** камбағаллик ҳукм суради, деб бемалол айтиш мумкин. Пастда, кираверишда, туйнугидан **дунё яратилгандан бери** бирор бир хат тушмаган почта кутисию, тугмасини босиб **инсон зоти** бир овоз ундиролмаган электр кўнгироғи илинган. **Юқордагиларга илова** сифатида деворга мис тахтача кўрк бериб турибдики, унда “Мистер Жеймс Диллингем Янг” деб ёзилган. Яқин-яқингача, яъни тахтачада **исми шарифи қайд этилган** жаноб ҳафтасига ўттиз доллар олган вақтларда, “Диллингем” сўзи қаддини ростлаб, ўзини кўз-кўз қилиб турарди. Эндиликда, маош йигирма долларга тушиб қолгач, бу сўз ҳам қимтиниб: “Нимамага кериламан, камтаргина “Д” ҳарфига айланиб олсам маъкулроқмикан?” дегандай шумшайиб қолган. Аммо лекин мана шу жаноб Диллингем Янг уйига келиб, юқори қаватга кўтарилгач, уни хонада “Азизим Жим!” деган хитоб ва биз ҳали сизга “Делла” номи билан таништирган Деллингем хонимнинг эҳтиросли кучоғи кутиб оларди. Бу эса, **мен сизга айтсам, мухтарам ўқувчим**, эркак киши учун анчайин аҳамиятли нарса (инглиз тилидан Ш. Турниязов ва Ф. Нигматов таржимаси).

Юқорида биз ёзувчи услубининг таржимада у ёки бу даражада бузилишини кўриб чиқдик. Шунга қарамай буни ҳар ҳолда таржима дейиш мумкин эди. Аммо агар таржимон ёзувчи услубини умуман бермай, аслият асарини ўзбек тилига қайтадан талқин қилиб айтиб берса, буни қандай баҳолаш лозим? Айтайлик, Достоевскийнинг “Телба” асарини таржимон шунчаки ўзбек тилида эркин тарзда, ўзи хоҳлагандай сўзлаб берса, буни таржима деб аташ мумкинми? Масалан, 2017 йилда “Янги аср авлоди” нашриётда ўзбек тилида “Ишбилармон кишилар” номи остида чоп этилган О. Генрининг ҳикоялар тўпламидаги “Кечирим” (“An Apology”) ҳикоясини олайлик. Бу ҳикоя аслида ярим бетдан иборат. Аммо таржимада унинг ҳажми икки варақчага чўзилган. Таржимада О. Генридан умуман ҳеч нарса қолмаган. Таржимон бу ҳикоя мазмунини ўзбек китобхонларига тушунтириб беришга, ёзувчи нималарни назарда тутганини таҳлил қилишга уринган. Аммо буни О. Генрининг ҳикояси деб бўлмайди. Мақсад ҳикояни тушунтириш бўлса, бу ҳақда мақола ёзиш керак эди, холос. Мисолларга мурожаат қиламиз.

#### An Apology

The person who sweeps the office, translates letters from foreign countries, deciphers communications from graduates of business colleges, and does most of the writing for this paper, has been confined for the past two weeks to the under side of a large red quilt, with a joint caucus of la grippe and measles (<https://www.gutenberg.org/files/3815/3815-h/3815-h.htm#21> Кейинги ўринларда шу манбадан фойдаланилади).

Энди биринчи абзац таржимасига қарайлик:

#### Кечирим

Таниқли рўзномалардан бирининг бош муҳаррири, яъни барча қоғоз ишларини ўзи бошқарувчи моҳир мутахассис тусатдан мазаси қочиб, эҳтимол грипп ёки қизамик асорати натижасида қалин кўрпага бурканиб олганча ётиб қолди, ва шу ваддан рўзноманинг икки ҳафталик сони ўз-ўзидан нашр этилмай қолди (О. Генри. **Ишбилармон кишилар. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. 256-б. Кейинги ўринларда шу манбадан фойдаланилади).**

We have missed two issues of The Rolling Stone, and are now slightly convalescent, for which we desire to apologize and express our regrets.

“Думалок тош” рўзномасининг интиқ ўқувчилари эса мазкур кечикишнинг боисини билолмай, жуда ҳайрон бўлишди, улар таҳририятга кетма-кет хат-хабар йўллаб, сира тинчишмади.

Everybody’s term of subscription will be extended enough to cover all missed issues, and we hope soon to report that the goose remains suspended at a favorable altitude. People who have tried to run a funny paper and entertain a congregation of large piebald measles at the same time will understand something of the tact, finesse, and hot sassafras tea required to do so.

Устига устак обуначиларнинг тўлови ҳам йил охиригача тўлиқ тўланиб бўлган, улар ҳар томонлама ўз газеталарини талаб қилиб олишга ҳақли эдилар. Нима қилишни билмай боши қотган муҳаррирлар ниҳоятда мушкул вазият ичида қолдилар. Рўзноманинг юксак нуфузига шу нохуш ҳодиса туфайли анчагина путур етиши аниқ эди. Ваҳоланки бош муҳаррир авваллари ҳеч ҳам бундай кутилмаган вақтда оғриб қолмаган эди. Нима бўлганда ҳам газетани босиш ниҳоятда зарур эди...

Кўриниб турибдики, аслиятда ҳикоя муҳаррир номидан ёзилган, муҳаррирнинг ўзи ўқувчилардан кечирим сўрамоқда ва буни у юмор ишлатиб, усталлик билан қилмоқда. Ўзбек таржимони эса ҳикоя мазмунини ўз номидан ўқувчиларга сўзлаб бермоқдаки, бу ерда юмор ҳам, шаъмалар ҳам, қочириқлар ҳам мутлақо йуқотилган.

Рус тилидаги таржимаси:

#### Извинение

Тот человек, который подметает в редакции, переводит письма, получаемые из зарубежных стран, расшифровывает сообщения от выпускников бизнес-колледжей и заполняет большую часть газетного пространства, последние недели был вынужден лежать в кровати под толстым стеганым одеялом красного цвета из-за гибридного заболевания —

гриппа и кори.

Мы пропустили два номера «Роллинг стоун» и теперь, когда постепенно выздоравливаем, желаем извиниться перед читателями и выразить им наше сожаление.

Подписка всех будет продлена, чтобы восполнить подписчику недостающие номера, и в скором времени мы намерены сообщить, что все у нас в порядке, все на мази. Люди, которые пытаются совместить выпуск забавной газеты с болезнью гибридом гриппа с корью, вполне отдают себе отчет, насколько для этого важен такт, тонкость, предупредительность и горячий чай из американского лавра (**О. Генри. Собрание сочинений в 5 т. Т. 5. - М.: Литература, Престиж книга; РИПОЛ классик, 2006. - 544 с., Л. Каневский таржимаси**).

Бизнингча таржима куйидагича бўлиши лозим эди:

#### Узрнома

Ишхонани супириб-сидирувчи, чет элдан келган хатларни таржима қилувчи, бизнес-коллежлар битирувчиларининг хат-хабарларини одам боласи тушунадиган аҳволга келтирувчи ва ниҳоят газетанинг катта қисмидаги мақолаларни якка ўзи ёзувчи киши бетоб бўлиб, сўнгги икки ҳафта давомида «кўрпа» деб аталувчи матоҳнинг ичига кириб ётишга мажбур бўлиб қолди.

Шу сабаб биз газетамизнинг икки сонини ўтказиб юборишга мажбур бўлдик, энди салпал тузалаймиз ва обуначилар олдидаги мажбуриятимизни бажаролмай қолганимиз учун бениҳоят таассуфда эканлигимизни ва узр сўришимизни маълум қиламиз.

Ўтказиб юборган сонларимиз сабабли обуна муддати шак-шубҳасиз узайтирилади, ва биз тез орада ҳамма ишларимиз аввалгидай изига тушиб кетишига умид қиламиз. Газета чиқариш ҳамда бетоблик билан курашишни бир вақтнинг ўзида олиб борган кишилар яхши тушунадиларки, бунинг учун илтифот, ўқувчиларга нисбатан чексиз эътибор, ҳамда амрико дафнаси япроғидан тайёрланган иссиққина чой талаб қилинади (инглиз тилидан Ш. Турниязов ва Ф. Нигматов таржимаси).

Худди шундай эркин баёни О. Генрининг “Антика воқеа” (“A Strange Story”) номли ҳикояси таржимасида ҳам кўрамиз. Бу ерда ҳам таржимон ҳикояни ўзи хоҳлагандай баён қилиб берган, натижада юмор, кулги, истехзолар мутлақо йўқотилган. Солиштирамиз:

In the northern part of Austin there once dwelt an honest family by the name of Smothers. The family consisted of John Smothers, his wife, himself, their little daughter, five years of age, and her parents, making six people toward the population of the city when counted for a special write-up, but only three by actual count (<https://www.gutenberg.org/files/3815/3815-h/3815-h.htm#19>) **Кейинги ўринларда шу манбадан фойдаланилади).**

Бир пайтлар Остин деган ернинг шимолий қисмида Смозерслар оиласи истикомат қиларди. Смозерслар унчалик кўп эмасди – хонадон оилабошиси бўлмиш Жон Смозерс, унинг хотини ҳамда беш ёшли ширингина қизча шу оиланинг аъзолари эдилар. Шунга қарамай ҳукуматнинг қандайдир расмий қоғозларида Жон Смозерснинг уйида олти нафар жон яшайди, деб рўйхатга олинганди, аслида эса улар бор йўғи учта киши эди, холос (**О. Генри. Ишбилармон кишилар. -Тошкент: Янги аср авлоди. 2017, 256-б. Кейинги ўринларда шу манбадан фойдаланилади).**

Русча таржима билан солиштирамиз:

В северной части Остина жило однажды честное семейство Смозерс. Семья состояла из Джона Смозерса, его жены, их маленькой пятилетней дочери и ее родителей, итого пять человек, если пришлось бы считать для специальной статистики, но на самом деле их было только трое (**О. Генри. Собрание сочинений в 5 т. Т. 5. - М.: Литература, Престиж книга; РИПОЛ классик, 2006. - 544 с., Э. Бродерсон таржимаси. Кейинги ўринларда шу манбадан фойдаланилади).**

Кўринадики, русча таржима аслиятга мос. О. Генри усталик билан йўл-йўлакай мамлакат статистика қоидалари устидан беғараз кулмоқда. Ўзбек таржимони эса бу юморни тушунмаган ва таржимада ҳам бера олмаган. Мазкур гапни ўзбекчага, бизнингча, куйидагича таржима қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

Остиннинг шимолий қисмида бир вақтлар Сможерлар оиласи яшар эди. Агар мамлакатимизнинг статистика ташкилотлари сингари санайдиган бўлсак, оила олти кишидан, яъни Жон Сможерс, унинг хотини, унинг ўзи, уларнинг беш яшар қизчаси ва бу қизчанинг отонасидан иборат эди (аслида эса улар бор йўғи уч киши эдилар, холос) (инглиз тилидан Ш. Турниязов ва Ф. Нигматов таржимаси).

Кейинга гапда эри дом-дараксиз кетганидан кейин унинг хотини кўп ғам чеккани, ва орадан уч ой ўтгач (эътибор беринг – атиги уч ой), ниҳоят эрга теккани айтилади. О. Генри “вафодор” аёл учун уч ой катта муҳлат, деб кулмоқда:

The mother grieved very much over her husband's disappearance, and it was nearly **three months before** she married again, and moved to San Antonio.

Таржимада бу юмор ҳам йўқотилган:

Сможерс хоним шунча пайт эрининг бедарак кетганидан қаттиқ эзилиб юрди, бир ўзи ҳам ёлғизликдан, ҳам муҳтожликдан сиқилиб, ахири яна турмушга чиқди, ва янги оиласи билан Сан Антониога кўчиб келди.

Русча таржимага эътибор берамиз:

Мать **очень горевала** по случаю исчезновения мужа, и прошло почти **три месяца**, пока она снова вышла замуж и переехала в Сан-Антонио.

Таржима бизнингча, куйидагича бўлиши лозим эди:

Эри йўқолиб қолгач, Сможерс хоним **узок вақт изтироб чекиб юрди**, ва орадан **уч ой ўтиб** ниҳоят бошқа эрга тегди ва Сан Антониога кўчиб ўтди (инглиз тилидан Ш. Турниязов ва Ф. Нигматов таржимаси).

“Яшил эшик” (“The Green Door”) ҳикоясининг бошиданок юмор сезилиб туради. Бироқ таржимон бундай гапларни таржима қилишдан бош тортган. Таржимада катта-катта бўлақлар ташлаб кетилган, қолдирилган абзацлар ҳам қисқартирилиб таржима қилинганки, буни ҳам таржима эмас, балки ҳикоянинг эркин баёни дейиш тўғрироқ бўларди.

Таржима олтинчи абзацдан, яъни бевосита сюжетнинг “туғунидан” бошланади. Бироқ ундан аввалги бешта абзацда О. Генри саргузаштлар ҳақида ўзининг фалсафий фикрларини берганки, улар тўлиғича юмор билан суғорилган.

Энди шу олтинчи абзац таржимасини кўриб чиқайлик:

Rudolf Steiner was a true adventurer. Few were the evenings on which he did not go forth from his hall bedchamber in search of the unexpected and the egregious. The most interesting thing in life seemed to him to be what might lie just around the next corner. Sometimes his willingness to tempt fate led him into strange paths. Twice he had spent the night in a station-house; again and again he had found himself the dupe of ingenious and mercenary tricksters; his watch and money had been the price of one flattering allurement. But with undiminished ardour he picked up every glove cast before him into the merry lists of adventure (<https://www.gutenberg.org/files/2776/2776-h/2776-h.htm#chap15>).

Ёшгина пианино сотувчиси Рудольф Штайнер ўлгудай сарагузаштталаб йигит эди. У атиги икки-уч оқшомдан буёнгина қутилмаган ҳодисалар излашдан ўзини тийиб турарди, холос. Лекин унга негадир ҳаётдаги энг қизик ҳодисалар мана ҳозир, нақ оёғи остидан чиқиб қоладигандай туюлаверарди (О. Генри. **Ишбилармон кишилар. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. 256-б.**).

Кўриниб турибдики, аслиятда абзац саккиз гапдан иборат. Бироқ негадир таржимон уларнинг фақат учтасини таржима қилган, холос. Қолган бешта гап ташлаб кетилган.

Энди русча таржимага эътибор қилайлик. У инглизча аслиятга тўла мос келади ва юмор оҳанги ҳам сақлаб қолинган:

Рудольф Штейнер был истинным искателем приключений. Редкий вечер не выходил он из своей «комнаты на одного» в поисках неожиданного, необычного. Ему всегда казалось, что самое интересное, что только дает жизнь, поджидает его, быть может, за ближайшим углом. Порой желание испытать судьбу заводило его на странные тропы. Дважды он провел ночь в полицейском участке. Вновь и вновь становился жертвой плутов, облежавших его карманы. За лестное дамское внимание ему пришлось расплатиться и кошельком и часами. Но с

неослабевающим пылом поднимал он каждую перчатку, брошенную ему на веселой арене Приключения (О. Генри. Собрание сочинений в 5 т. Т. 1. - М.: Литература, Престиж книга; РИПОЛ классик, 2006. - 544 с., Н. Дехтерева таржимаси).

Бизнингча, таржимани қуйидагича қилиш тўғри бўлар эди:

Рудольф Штайнер ўта саргузаштлаб киши эди. Саргузашт иштиёқида мўъжазгина хонасини (бир киши ҳам базўр сиғадиган хона, деб айтишга тилимиз бормаяпти) ташлаб, кўчага чиқмаган оқшомлари камдан кам бўларди. Негадир ҳаётдаги энг қизиқ нарса кейинги муюлишда уни кутиб тургандай туюлаверарди. Бу шавқи туфайли неча бор ҳатто хавфли вазиятларга ҳам тушиб қолганди. Масалан, икки тунни хонасида эмас, балки полиция бошқармасида ўтказган, кўп марталаб чўнтагини енгиллатадиган “дўстларга” рўпара бўлган, бир аёлнинг биргина жилмайиб боқиши эвазига ҳамёни ва соатидан ажралганди. Бироқ ҳар сафар Саргузашт деб аталувчи рақиб уни дуэлга чақиргандай ўз қўлқопини ташлаганда, Рудольф Штайнер ҳеч иккиланмасдан жангга киришаверарди (инглиз тилидан Ш. Турниязов ва Ф. Нигматов таржимаси).

О. Генрининг ўзбек тилига таржима қилинган бошқа ҳикояларида ҳам бундай камчиликлар жуда кўп. Бизнингча, келтирилган мисолларнинг ўзи ҳам ўзбек тилига қилинаётган замонавий таржималарда муаллиф услубини сақлаб қолиш муаммоси долзарб эканлигини кўрсатиб турибди. Бу муаммони таржима назарияси соҳасида тадқиқот олиб бораётган бошқа мутахассисларимиз ҳам қайд этишаётгани бежиз эмас, албатта [4].

Биз юқоридаги мисолларда рус тилидаги таржималарга бежиз мурожаат этмадик. Чунки рус таржимонлари матннинг барча жилоларини сақлаб қолишгани кўриниб турибди. Наҳотки ўзбек тилида бунинг иложи бўлмаса? Албатта, бор. Фақат бунинг учун изланиш лозим.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ўзбек таржимачилигида янги давр бошланди. Илгари жаҳон адабиёти асарлари рус тили орқали ўзбекчага ўгирилган бўлса, эндиликда кўплаб асарлар бевосита аслиятдан таржима қилиняпти. Афсуски, бу таржималарни бадий ижодда тажрибага эга бўлмаган олий ўқув юртлари битирувчилари қилишяпти. Мазкур таржималарнинг савияси, бадий даражаси аввалги даврда қилинган таржималардек баланд эмас. Бунда қуйидаги камчиликлар яққол кўзга ташланади: а) аслият тилини яхши билмаслик; б) таржима қилинаётган асарнинг маъно жилоларини тўлиқ тушунмаслик, ҳис қилмаслик; в) таржимонларга бадий маҳорат етишмаслиги оқибатида асарни ўз она тилида қайта яратолмаслик. Буларнинг ҳаммаси бадий асар услубининг, шу билан бирга, маънонинг қўпол бузилишига олиб келмоқда. Келажакда қилинадиган таржималарда бу камчиликлар назарда тутилса яхши бўлар эди.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жданова А.Д. Язык, жизнь и игра в новеллах О. Генри. <https://vestnik.journ.msu.ru/books/2012/1/yazyk-zhizn-i-igra-v-novellakh-o-genri/>.
2. Левидова И. О. Генри и его новелла. -М.: Художественная литература, 1973. – 251 с.
3. Эквивалентлик ва адекватликни турлича тушуниш ва талқин қилиш мумкин. Биз бу ўринда эквивалентлик ва адекватлик ҳақида гапирганда Комиссаров талқинига асосланмоқдамиз. Қаранг: Комиссаров В.Н. Теория перевода (лингвистические аспекты): Учеб. для ин-тов и фак. иностр. яз. -М.: Высшая школа, 1990. – 253 с.
4. Қуронон Д. Ҳ. Аслият услубини қайта яратиш ва таржима адекватлиги. - Илмий хабарнома, АДУ, №4, 2017 йил.

# СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

8 ЖИЛД, 2 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 8, НОМЕР 2

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 8, ISSUE 2

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)

ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000